

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ РУСТАМ АМАНОВИЧ

**ҲИМОЯЛАНГАН ЕРДАГИ АСОСИЙ ГУЛ ЭКИНЛАРИНИ СЎРУВЧИ
ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ
УСУЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИКИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Table of Contents of doctor's philosophy dissertation abstract (PhD) on agricultural sciences

Муминов Рустам Аманович

Ҳимояланган ердаги асосий гул экинларини сўрувчи зараркунандалардан химоя қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш5

Муминов Рустам Аманович

Разработка эффективных методов защиты основных цветочных культур от сосущих вредителей в условиях защищённого грунта.....21

Муминов Рустам Аманович

Development of effective methods for protecting the main flower crops from sucking pests in greenhouse.....39

E'lon qilingan ishlar ro'yxati

Список опубликованных работ

List of published works43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ РУСТАМ АМАНОВИЧ

**ҲИМОЯЛАНГАН ЕРДАГИ АСОСИЙ ГУЛ ЭКИНЛАРИНИ СЎРУВЧИ
ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ
УСУЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИКИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Qx1130- рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хасанов Саидинаби Саидивалиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Шамиль Турсунович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Мисирова Сураё Абдумуталовна,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўрмон хўжалиги илмий -тадқиқот институт

Фалсафа фан доктори (PhD) диссертацияси ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.QX.42.01-рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: пахтауз@mail.ru)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, Ахборот ресурс маркази. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н. Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ф.М. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор

Д.А. Тунгушова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ўрибосари, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг кўп давлатларида гўзаллик тимсоли бўлган гулларга аҳоли эҳтиёжининг ортиб бораётганлиги гулчилик соҳасини рентабеллиги юқори бўлган сердаромад соҳа сифатида жадал ривожланишига сабаб бўлмоқда. Гулчилик соҳаси яхши ривожланган давлатларга Эквадор, Коста-Рика, АҚШ, Колумбия, Исроил, Италия, Испания, Мексика, Гватемала, Нидерландия ва Германия каби давлатларни киритишимиз мумкин. Ушбу давлатларда етиштирилган гуллар дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларга етказиб берилади. Масалан, Нидерландия киролигида гулларни етиштириш учун умумий хайдаладиган экин майдонларининг атиги 1,5% ажратилган бўлиб, бунда 2700 фермер хўжаликлари 20 млрд. долларли маҳсулот етиштиришади, бу жаҳонда етиштириладиган гулларнинг 50% дан кўпроғини ташкил этади ва улар 60 дан ортиқ давлатга етказиб берилади. Айрим давлатларда, жумладан Эквадор, Коста-Рика ва Исроилда гулчилик соҳаси қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, ундан олинадиган йиллик даромад 1,1-4,2 млрд. долларни ташкил этади.¹ Гулларни етиштириш ва уларнинг ассортиментини кўпайтириш билан чегараланмасдан, балки ноёб навларни яратиш бу соҳада катта фойда олишга замин яратади.

Дунёда аҳоли томонидан гул маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг йилдан-йилган кучайиб бораётганлиги эса гул ва манзарали ўсимликлар етиштиришга бўлган қизиқишни орттирмоқда². Саноат гулчилиги ҳимояланган ер иншоотларида олиб борилиб, у ерда нафақат ўсимликлар, балки зараркунандаларнинг оммавий ривожланиши учун ҳам мақбул шароитлар яратилмоқда. Ҳозирги пайтда дунёнинг етакчи мамлакатларида ҳимояланган ер шароитида асосий гул экинларини сўрувчи зараркунандалардан ҳимоя қилиш, уларнинг касалликларини аниқлаш ва уларга қарши курашишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан, ханузгача гулчилик тармоғидаги ишларнинг асл ҳолати ҳақида аниқ тасаввур мавжуд эмас, етиштириладиган маҳсулотлар ассортиментини шакллантириш масалалари ўрганилмаган, гул экинларида фитофагларнинг тур таркиби аниқланмаган, доминант турларнинг ўзаро муносабатлари хўжайин-ўсимликнинг биологик хусусиятларига ва уларнинг зарарлилигига боғлиқлиги тўғрисида мутлақо маълумотлар йўқ, экинларнинг ўзига хослиги ва фитофагларнинг ривожланиш фенологиясини ҳисобга олган ҳолда кимёвий ҳимоя қилиш чоралари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли ҳимояланган ерлардаги асосий гулли ва манзарали ўсимликлар зараркунандалари мажмуасини ўрганиш, уларни ривожланиш фенологиясини, биологик хусусиятларини ва зарарлилигини баҳолаш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг истиқболли воситалари самарадорлигини

¹ <https://www.tadviser.ru/index.php/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 август 2021 йилда ПҚ-5209-сон “Гулчилик тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида” ги қарори.

аниқлаш, шунингдек ҳимоя қилиш чоралари тизимини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб муаммо ҳисобланади.

Республика ҳудудларида гулчиликни ва гул кўчатчилигини ривожлантириш, маҳаллий ва хориждан келтирилган гул навларини етиштириш, гулчилик кўникмаларини оммалаштириш ҳамда қишлоқ хўжалигининг экспорт потенциалини янада мустахкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5209-сонли “Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида” ги қарори қабул қилиниб, унда республика тупроқ-иклим шароитига мослашган гулларни янги навларини яратиш ва сифатли маҳсулот олиш йўллари бўйича гулли ўсимликларини илмий асосланган етиштириш усулларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса айниқса, янги технологияларни киритиш, янги нав ва турларни жорий этиш, етиштиришнинг усул ва йўллари такомиллаштириш, ҳамда заракунандарларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ҳисобига гул ўсимликлар ассортиментини кенгайтириш билан боғлиқ ҳолда долзарб бўлиб қолмоқда. Бугунги кунгача Ўзбекистон Республикасида гулли ўсимликлар зараркунандаларининг тур таркиби, зарарли фаолияти аниқланмаган, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини асраш мақсадида кам зарарли ва хавфсиз кураш усуллари ишлаб чиқилмаган. Шу нуқтаи назардан, ушбу йўналишда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар бугунги кунда долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 октябрдаги ПҚ-341-сон “Гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Манзарали гулларнинг ўзига хос хусусиятларини (вегетация даври, етиштириш шароитлари, кўпайтириш) ўрганиш бўйича хорижда М.А. Догадин, И.А.Медведев, Е.Б. Пашкевич, S. Broughton, J. Harrison, T. Rahman, S. Amic ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борган.

Гул экинларининг зараркунандаларини тур таркибини ва уларга қарши кураш усулларини қуйидаги тадқиқотчилар ўрганган: О.М.Берёзко, А.К. Ахатов, С.С. Ижевский, В.С. Великань, D.A. Vangasbeke, S. Broughton, Nita-Jo Rountree, S. Vorilmaz, Ph. Reynaud, T.D. Northfield, A. Masum ва бошқалар. Гул ўсимликларининг сўрувчи зараркунандаларга қарши турли хил инсектицидларни, шу жумладан микробиологик препаратларни қўллаш бўйича Россия Федерацияси, Белоруссия, Украина ва бошқа мамлакат

олимлари шуғулланган. Булар қаторига М.Я. Менликиев, Н.В. Кандыбин, О.М. Берёзко, Г.В. Митина, Е.Б.Пашкевич, П.Н. Фатина, Ф.Т. Губайдулина, А.А. Завалина, М.В. Штерншис ва бошқаларнинг ишларини келтириш мумкин. Ҳимояланган ер шароитида сабзаёт экинларини ҳимоя қилишга Ўзбекистон олимларидан В.В. Яхонтов, Ш.Т. Ходжаев, Х.Х. Кимсанбаев, Ш.Т. Арипов, М.М. Аблазовалар катта эътибор қаратганлар.

Аммо ҳимояланган ер шароитида атроф муҳитни сақлаш мақсадида гул экинларидаги зараркунандаларнинг тур таркиби ва улар томонидан келтирадиган зарари, уларга қарши энг хавфсиз, кам захарли усуллар ва микробиологик препаратлар ёрдамида курашиш усулларини ўрганиш масалалари Ўзбекистонда ҳал этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти ТошДАУ “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси” кафедрасида “Ўрмон ва манзарали дарахтларнинг зараркунандаларини тур таркибини ўрганиш асосида самарали кураш усулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган (2017-2021).

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилояти ҳимояланган ерлар (иссиқхона) шароитида гулли ўсимликларнинг зараркунандалари тур таркибини аниқлаш, кўп зарар келтирадиган зараркунандаларга қарши курашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

гулчилик ҳўжаликларда ҳимояланган ер шароитида етиштириладиган ўсимлик турига қараб асосий гул ўсимликларнинг зараркунандалар тур таркибини аниқлаш;

манзарали гулларнинг зараркунандаларини ҳимояланган ер шароитидаги доминант турларини ажратиб олиш;

атиргулдаги зараркунандаларнинг асосий турларини ривожланиш хусусиятларини аниқлаш;

замонавий камзахарли инсектицидларни ҳамда микробиопрепаратларни манзарали гуллардаги, шу жумладан атиргулдаги сўрувчи зараркунандалар миқдорида самарали таъсирини баҳолаш;

гулли ўсимликлар фитофагларининг салбий таъсирини максимал камайтирадиган самарали қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳимояланган ерларда етиштириладиган манзарали гулларнинг (атиргул, хризантема, чиннигул, гербера, лола, лилиялар) сўрувчи зараркунандалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида манзарали гулларнинг сўрувчи зараркунандалари тур таркибини ва доминант турларини ажратиб, уларга қарши ҳимоя чоралари тизимида биологик самарадорликни аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Зараркунандаларнинг ўсимликларда тарқалиши морфологик белгиларга (барглари деформацияланиш, рангини ўзгариши ва бошқаларга) асосан аниқланган, ўсимликларда

зараркунандаларни тарқалиши ва зичлигини баҳолашда умум қабул қилинган бўғимоёқли ҳайвонларни қайд этиш ва ҳисоблашлар Г.Я.Бей-Биенко, В.С.Великань, Г. П.Иванова, Г. И.Дорохов, Ш. Т.Ходжаев, В.Ф.Палий, А.К.Ахатовларнинг усуллари ёрдамида олиб борилган, препаратлар турли сарф меъёрларда ва комбинацияларда синовдан ўтказилган, ҳар бир тажриба варианты 4 қайтариқда қўйилган ва ҳар бир вариант учун 100 туп ўсимлик олинган, пуркаш ишлари Sprayer 16 L қўл мосламали пуркагич ёрдамида амалга оширилган, кураш чораларининг биологик самарадорлиги Б. Аббот формуласи асосида, иқтисодий самарадорлик А.Ф. Ченкин, Ш.Т. Ходжаев ва бошқалар усуллари ёрдамида ҳисоблаб чиқилган, олинган натижаларининг статистик таҳлили В.А. Доспехов усулида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг ҳимояланган ерларидаги гулчилик хўжаликларида етиштириладиган манзарали гулларнинг зарарли энтомофаунасининг тур таркиби (14 тур) аниқланган;

манзарали гуллар сўрувчи зараркунандаларининг доминант турлари аниқланган;

Тошкент вилоятининг ҳимояланган ерларида 80-85% атиргул етиштирилиб, уларга асосан ўргамчаккана, шира ва трипслар зарар етказиши аниқланган;

манзарали гулларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун самарали инсектицидлар ва микробиопрепаратлар синовдан ўтказилган ва уларнинг биологик самарадорлиги 98-99% ни ташкил этганлиги аниқланган;

камзахарли замонавий инсектицидлар ва микробиопрепаратларни қўллаш асосида сўрувчи зараркунандаларга қарши кураш тизими ишлаб чиқилган ва 340% рентабелликка эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳимояланган ерлар шароитида манзарали гулларнинг асосий зараркунандаларининг тур таркиби аниқланган. Асосий доминант турлар ўргамчаккана, шира ва трипслар эканлиги қайд этилган ва уларга қарши самарадорлиги юқори пестицидларни қўллаш регламенти тайёрланган;

гулли ўсимликлар сўрувчи зараркунандаларининг асосий турларига қарши максимал даражада таъсир кўрсатувчи кимёвий ва микробиологик препаратларни қўллаш меъёрларини ишлаб чиқилган;

гулли ўсимликлар зараркунандаларига қарши тавсия этилган ҳимоя чоралари самарадорлиги 99,2–99,5%, рентабеллик даражаси 340 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий тадқиқот усуллари қўлланилганлиги, олинган тажриба натижаларини назарий маълумотларга мос келганлиги, тажриба маълумотларини статистик таҳлил қилинганлиги, тажриба натижаларини Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган ҳорижий ва республика илмий нашрларида чоп этилганлиги, олинган амалий натижаларни ваколатли

давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги ва олинган натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ҳимояланган ерлардаги манзарали гулларнинг асосий зараркунандаларини тур таркиби аниқланлиги, кенг тарқалган ва кўп зарар келтирадиган сўрувчи зараркунандаларга қарши ўсимликларнинг турли ўсиш ва ривожланиш босқичида зараркунандаларнинг миқдорини чеклайдиган препаратларни қўллаш илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Тошкент вилоятининг ҳимояланган ер шароитида манзарали гуллар, хусусан, энг кўп етиштириладиган атиргуллар зараркунандаларининг тур таркибини аниқлаш натижасида энг зарарли сўрувчи зараркунандалар аниқланганлиги, самарали кимёвий ва микробиологик препаратларни қўлланилганлиги, биологик самарадорлиги ва ҳисоблаб чиқилганлиги, тавсия этилган сарф меъёрларда, ўсимликларни вегетация даврида қўллашда фитофагларнинг зарарли фаолиятини максимал даражада камайтириши ҳамда самарали кураш тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилоятидаги ҳимояланган ерлар шароитида манзарали гулларнинг зараркунандаларини ўрганиш ва тур таркибини аниқлаш, энг кўп зарар келтирадиган зараркунандаларнинг турларига қарши кимёвий ва микробиологик препаратларнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида: «Методы безопасных приёмов борьбы против основных сосущих вредителей цветочных культур в условиях защищённого грунта» мавзусида тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2024 йил 24 апрелдаги 05/01-05/02-05/04-04-167-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома иссиқхона шароитида манзарали гулларни етиштираётган фермер хўжаликлари ва кластерлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда;

гулли ўсимликлар сўрувчи зараркунандаларига қарши кураш тизими Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Фаравон мева-сабзавотчилик» иссиқхона хўжалигида 1,6 га, Кибрай туманидаги «AGROLIGHT Bisines» фермер хўжалигида – 6,0 га, «Nurimov Muso Ota» фермер хўжалигида – 2 га, жами 9,6 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2024 йил 24 апрелдаги 05/01-05/02-05/04-04-167-сон маълумотномаси). Натижада манзалари гуллардан сифатли, товарбоп ва рақобатбардош маҳсулот чиқиши ошган, таннарҳи камайган, олинадиган ялпи маҳсулот нарҳи 3,5 баробар, сарфланган бир сўмнинг оқланиши 2,3 дан 3,4 баробар ошган;

ўргимчакканага қарши ўсимликнинг вегетатив ўсув аъзоларининг шаклланиши даврида Актара с.д.г. (250 г/кг) препаратини 0,08 % да ва Вертимек 1,8% эм.к. препаратини 0,05 % қўллаш Кибрай туманидаги «Nurimov Muso Ota» фермер хўжалигида – 2,0 га майдонда, шираларга қарши Конфидор 200 г/л с.э.к. 0,04 % ва Вертимек 1,8% эм.к. 0,05 % Зангиота

туманидаги «Фаравон мева-сабзавотчилик» иссиқхона хўжалигида 1,6 га майдонда, трипсларга қарши Вертимек 1,8% эм.к. 0,05 % Кибрай туманидаги «AGROLIGHT Bisines» фермер хўжалигида – 6,0 га майдонда, ўсимликнинг генератив ўсув аъзоларининг шаклланиши бошида ўргимчаккана ва шираларга қарши Фитоверм 5% эм.к. препарати 0,015 % истеъмол даражасида, трипсларга қарши эса Фитоверм 5% эм.к. 0,02 % меъёрларда ишлов бериш, ўсимлик куртакларини шаклланишида ўргимчаккана ва ширага қарши микробиологик препарат Битоксибациллин кук. 0,3% + Фитоверм 5% эм.к. ни 0,015% биргаликда қўллаш ҳамда трипсларга қарши Битоксибациллин кук. 0,3% + Фитоверм 5% эм.к. ни 0,02% меъёрида қўллаш жами 9,6 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2024 йил 24 апрелдаги 05/01-05/02-05/04-04-167-сон маълумотномаси). Натижада биологик самарадорлик 98,8-99,5 фоизни ташкил этиб 340 % рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тажрибалар ҳар йили Тошкент давлат аграр университети махсус комиссияси томонидан апробация кўригидан ўтказилган ва ижобий баҳоланган, шунингдек 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан ОАК эътироф этган илмий нашрларда 3 та, жумладан 2 та республика ва 1 та хорижий журналларда ҳамда 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуман тўпламларида нашр қилинган, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва натижаларининг амалий натижалари, ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ҳимояланган ердаги манзарали гулларнинг асосий сўрувчи зараркундаларини ўрганилганлик даражаси ва уларга қарши кураш чоралари**” деб номланган биринчи бобида ҳимояланган ердаги манзарали гулларни, шу жумладан атиргулни етиштиришга, уларнинг асосий зараркундалари ва энг кўп тарқалган сўрувчи бўғимоёқлар – ўргимчаккана, ширалар ҳамда трипсларга қарши кураш чораларига тегишли адабиётлар таҳлили берилган. Узоқ ва яқин хориждаги олимларнинг ҳимояланган ерлардаги манзарали гулларнинг (атиргул, хризантема, лола, чиннигул, лилия, гербер) зараркундаларини тарқалиши, биоэкологияси ва зарар келтириши ҳамда уларга қарши кураш чораларига оид берган маълумотлари келтирилган.

Манзарали гуллар, жумладан атиргулнинг химояланган ерлардаги зарарли фитофагларига қарши кураш чоралари бўйича Ўзбекистон шароитида махсус тадқиқотлар ўтказилмаганлиги аниқланди, шу сабабли сўрувчи зараркунандалардан химоя қилишда самарали кураш чораларини ишлаб чиқиши долзарб масола эканлиги маълум бўлган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш жойи, объектлари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган жойнинг шароитлари, объекти, Тошкент вилоятининг химояланган ерларида олиб борилган тадқиқот усуллари келтирилган. Зараркунандаларнинг тур таркиби Тошкент вилоятининг 12 та хўжаликларида 2016-2021 йиллар давомида ўрганилган. Тадқиқотларнинг маълум бир қисми ТошДАУ нинг **“Ўсимликлар карантини ва химояси”** кафедрасининг лабораториясида олиб борилган.

Зараркунандаларнинг тарқалиши, ўсимликларни морфологик белгилари (барглари деформацияланиши, рангини ўзгариши ва бошқалар) асосида топилган. Ҳашаротларнинг миқдорини ҳисобини олиш Г.И. Дорохова, Ш.Т. Ходжаев, А.К. Ахатов, В.Ф. Палий, В.С. Великанларнинг умум қабул қилинган усуллари ёрдамида аниқланган. Зараркунандаларнинг турини аниқлашда Г.Я. Бей-Биенко аниқлагичидан, ТошДАУ **“Ўсимликлар карантини ва химояси”** кафедраси мутахассисларининг ва **“Ўсимликлар карантини ва химояси”** илмий-тадқиқот институти ходимларининг маслаҳатларидан фойдаланилган.

Хар бир тажриба варианты 4 қайтариқда қўйилиб, 100 тадан туп ўсимлик олинган. Ўсимликларга ишлов берилгандан сўнг хар бир қайтариқдан 10 та дан ўсимликнинг, хар биридан 3 та ярусдаги 5 тадан барги кўздан кечирилган. Биологик самарадорлик умумқабул қилинган В. Аббот формуласи асосида ҳисоблаб чиқилган. Иқтисодий самарадорлик А.Ф. Ченкин ва Ш.Т. Ходжаевлар усуллари ёрдамида аниқланган. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили В.А. Доспехов усулида ўтказилган.

Диссертациянинг **“Манзарали гулларнинг зараркунандаларини тур таркиби ва сўрувчи зараркунандаларнинг асосий биологик хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида Тошкент вилоятининг химояланган ерларидаги манзарали гулларнинг, шу жумладан атиргулнинг, зараркунандаларини тур таркиби ҳақидаги маълумотлар ва ҳар қандай шароитда ҳам ўсимликларга катта зарар келтирадиган сўрувчи доминант турларнинг (ўргимчаккана, ширалар, трипслар) айрим биологик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. 12 та химояланган ерлардаги хўжаликларни тадқиқ қилиш давомида бу ерларда асосан атиргул билан бирга чиннигул, гербер, лилия, хризантема ва лола етиштирилиши аниқланди. Учасида атиргул билан параллел равишда хризантема, туртасида чиннигул ва лола, учасида лилия ва битта хўжаликда гербер етиштирилиши кайд этилди. Шунини айтиш керакки, барча хўжаликлардаги иссиқхона майдонининг 80-85 % да атиргул етиштирилиши, 4 та хўжаликда эса 100 % майдон атиргул билан банд эканлиги аниқланган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, манзарали гулларнинг зараркунандаларини тур таркиби 14 та фитофаглардан: бешта тури ширалар (шафтоли, полиз, яшил атиргул, хризантема, дуккак), битта тури трипс (тамаки), оддий ўргимчаккана, иссиқхона ва цитрус оққанотидан иборат экан. Жуда кам ҳолатда тунламнинг иккита тури (карам ва кузги), оддий бузукбош кўнгизи, яшил боғ қандаласи, шиллиқ қурт кузатилди.

Зараркунандаларнинг полифаг гуруҳига мансуб бўлган оддий ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.), шафтоли шираси (*Myzus persicae* Sulz.), полиз шираси (*Aphis gossypii* Glov.) ва тамаки трипси (*Thrips tabaci* Lindemann), олигофаг яшил атиргул шираси (*Macrosiphum rosae* L.) учради.

Айрим манзарали гулларни зарарлайдиган турлар: атиргулда - яшил атиргул шираси (*Macrosiphum rosae* L.), хризантемада - хризантема шираси (*Macrosiphoniella sanborni* Gill.).

Қолган манзарали гуллар ташқи муҳит шароитига қараб зараркунандалар билан кучсиз зарарланган. Айниқса оққанотлар: иссиқхона (*Trialeurodes vaporariorum* Westw.), цитрус (*Dialeurodes citri* (Ashmead)). Дуккак шираси (*Aphis fabae* Scop.) лола, герберлар, лилияларда кам учраган. Яшил боғ қандаласи (*Lygocoris pobulinus* L.), оддий бузукбош кўнгизи (*Gryllotalpa gryllotalpa*), ва шиллиқ қурт (*Arion lusitanicus* Mabilie), чиннигулда, герберларда, лилияларда жуда кам ҳолатда аниқланган.

Кемирувчи зараркунандалардан карам тунлами (*Mamestra brassicae* L.) ва кузги тунлам (*Agrotis segetum*) деярли зарар етказмаган.

1-жадвалда келтирилгандек атиргул 12 та фитофаглар билан зарарланар экан. Улар орасида энг хафлиси сўрувчи зараркунандалар ҳисобланади. Атиргул монокультура ҳолатида етиштирилганда 6 та зараркунанда тури билан зарарланиши аниқланди (2-жадвал). Манзарали гуллар орасида атиргул асосий ўринни эгаллаганлиги сабабли Тошкент вилоятида олиб борган тадқиқотларимизни кейинги босқичида шу гулнинг зараркунандаларини ўрганишга бағишладик.

Шуни айтиш керакки, ҳимояланган ерларда атиргулни йил давомида етиштириш учун оптимал ҳарорат t° - 22 – 25 $^{\circ}$ C, намлик 70 – 80 % бўлиши керак. Бундай шароитда ёш гулберадиган новдаларни пайдо бўлиб, гул ғунчаларни юзага келишигача 40 – 45 кун ўтади, яъни бир йилда 7 – 8 марта гуллар қирқиб олинади.

Иссиқхоналарда сўрувчи зараркунандаларни ривожланиши учун атроф муҳит шароитида ҳарорат 22- 25 $^{\circ}$ C ва намлик 70 – 85 % бўлиши керак. Лекин ўргимчаккана учун бундай шароит t° – 30 $^{\circ}$ C ва намлик 50 – 60 % бўлганида юзага келади. Бундан хулосага келиш мумкинки, ҳимояланган ерларда ўсимликнинг ривожланиши учун қулай бўлган шароит сўрувчи зараркунандаларни ривожланиши учун ҳам қулай эканлиги кузатилган.

1-жадвал

Тошкент вилояти хўжаликларининг ҳимояланган ерларидаги манзарали гулларнинг зараркунандаларини тур таркиби

Т/р	Зараркундалар		Манзарали гулларнинг номи	Зарарлантириш даражаси
	Ўзбекча номи	Латинча номи		
1.	Шафтоли шираси	<i>Myzus persicae</i> Subsp. Турк. Homoptera, Оила Aphididae	Атиргул, Хризантема, Чиннигул, Герберлар, Лола	+++ ++ +++ + +
2.	Полиз шираси	<i>Aphis gossypii</i> Glov. Турк. Homoptera, Оила Aphididae	Атиргул, Хризантема, Лола	+++ + +
3.	Яшил атиргул шираси	<i>Macrosiphum rosae</i> L. Турк. Homoptera, Оила Aphididae	Атиргул	+++
4.	Хризантема шираси	<i>Macrosiphoniella sanborni</i> Gill. Турк. Homoptera, Оила Aphididae	Хризантема	+++
5.	Дуккак шираси	<i>Aphis fabae</i> Scop. Турк. Homoptera, Оила Aphididae	Атиргул, Чиннигул, Герберлар	+ + +
6.	Иссиқхона оққаноти	<i>Trialeurodes vaporariorum</i> Westw. Турк. Homoptera, Оила Aleyrodidae	Атиргул, Хризантема, Герберлар	++ + +
7.	Цитрус оққаноти	<i>Dialeurodes citri</i> (Ashmead) Турк. Homoptera, Оила Aleyrodidae	Атиргул, Герберлар, Лилиялар	+ + +
8.	Тамаки трипси	<i>Thrips tabaci</i> Lindemann Турк. Thysanoptera (Physapoda), Оила Tripidae	Атиргул, Хризантема, Чиннигул, Лола	+++ ++ +
9.	Оддий ўргумчаккана	<i>Tetranychus urticae</i> Koch. Турк. Acariformes, Оила Tetranychidae	Атиргул, Чиннигул, Герберлар, Лола	+++ ++ + +
10.	Яшил боғ қандаласи	<i>Lygocoris pobulinus</i> L. Турк. Hemiptera, Оила Pentatomoidea	Чиннигул, Герберлар, Лилиялар	+ + +
11.	Карам тунлами	<i>Mamestra brassicae</i> L. Турк. Lepidoptera, Оила Noctuidae	Атиргул	+
12.	Кузги тунлами	<i>Agrotis segetum</i> Турк. Lepidoptera, Сем. Noctuidae	Атиргул, Чиннигул	+
13.	Оддий бузукбош кунғизи	<i>Gryllotalpa gryllotalpa</i> Турк. Orthoptera, Оила Gryllotalpidae	Атиргул, Герберлар, Лилиялар	+
14.	Шиллик қурт	<i>Arion lusitanicus</i> Mabilie, Турк. Pulmonata, Оила Arionidae	Атиргул, Лилиялар Лола	+

+++ - кучли зарарланиш; ++ - ўртача зарарланиш; + - кучсиз (кам) зарарланиш

1-расмда кўрсатилганидек ғунчалар пайдо бўлгунча ўргимчакканада иккита ривожланиш цикли кузатилади ва унинг миқдори 1,5 – 2 балл кўрсаткичдаги даражага етади. Генератив аъзоларини пайдо бўлиш даврига келиб эса бу кўрсаткич 3 – 4 баллга етади, натижада 75 % гача атиргулни йўқотиш хавфи юзага келади. 40 – 45 кун давомида хова намлиги 60 – 75 % ва харорат t° – 22 – 30 °C бўлганида ўргимчаккана 6 мартагача авлод бериши мумкин.

2-жадвал


Монокультура қилиб етиштирилганда атиргул зараркундаларининг тур таркиби

Т/р	Зараркунаданинг номи	Зараркунаданинг латинча номи	Зарарлантириш даражаси
Турк. Acariformes, Оила Tetranychidae			
1.	Оддий ўргимчаккана	<i>Tetranychus urticae</i> Koch.	+++
Турк. Homoptera, Оила Aphididae			
2.	Яшил атиргул шираси	<i>Macrosiphum rosae</i> L.	+++
3.	Полиз шираси	<i>Aphis gossypii</i> Glov.	+++
4.	Шафтоли шираси	<i>Myzus persicae</i> Sulz.	+++
5.	Дуккак шираси	<i>Aphis fabae</i> Scop.	+
Турк. Thysanoptera (Physapoda), Оила Tripidae			
6.	Тамаки трипси	<i>Thrips tabaci</i> Lindemann	+++

+++ - кучли зарарланиш; ++ - ўргача зарарланиш; + - кучсиз (кам) зарарланиш

Ҳимояланган ер шароитида атиргулда ширани тарқалиши одатий ҳолат. Атиргулда 40-45 кун давомида, туридан қатъий назар, шира 3-4 авлод берган (2-расм).

Ўргимчаккана бундай шароитда атиргул тупи бўйлаб тез тарқалади. 1-расмда ҳимояланган ерларда етиштирилаётган атиргулда ўргимчакканани ривожланиши цикли келтирилган.



1-расм. Ҳимояланган ер шароитида атиргулнинг вегетация даврида ўргимчакканани ривожланиш цикли (2019-2021)

Атиргулдаги трипс катта хавф туғдиради. Ҳимояланган ер шароитида у 40-45 кун давомида 2-3 та ривожланиш циклини ўтган (2-расм).

2-расмда кўрсатилганидек ширани иккинчи авлодининг ривожланиши трипсининг биринчи авлодини ривожланишига тўғри келар экан. Атиргулнинг ғунчаларини юзага келиш даврида ширани тўртинчи авлоди, трипси бўлса, иккинчи авлоди билан биргаликда атиргулга зарар келтириши кузатишган.

Айтиш керакки, ҳимояланган ер шароитида ширага қарши энг яхши биологик самарадорлик Фитоверм 5 % эм.к. нинг 0,02 % да қўлланилганда кузатилиб, учинчи суткада бу кўрсаткич 92,9 % га, ўн тўртинчи суткада 90,3 % га тенг бўлган.

Микробиопрепаратларнинг биологик самарадорлиги бўйича энг яхши кўрсаткич Битоксибациллиннинг кук. нинг 0,3 % да кузатилиб, унинг кўрсаткичи 86,4 % ни ташкил этган.



2-расм. Химояланган ер шароитида атиргулнинг вегетация даврида трипси ва ширани ривожланиш цикли (2019-2021)

Зараркунандаларни бундай ривожланишидаги оптимал шароит махсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бунда ўсимликни ўсиши ва ривожланиши ёмонлашган, махсулотнинг товар кўриниши пасайган.

Диссертациянинг “**Химояланган ерлардаги атиргулнинг асосий сўрувчи зараркунандаларига қарши кураш усуллари**” деб номланган тўртинчи бобида сўрувчи зараркунандаларга (ўргимчаккана, шира, трипслар) қарши хавфсиз инсектицидлар ва микробиопрепаратларни қўллаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Ўргимчакканага қарши Актара с.э.г. (250 г/кг), Вертимек 1,8 % эм.к., Фитоверм 5 % эм.к., қўлланилганда, энг яхши биологик самарадорликни Фитоверм 5 % эм.к. препарати кўрсатиб, 0,02 % да ишлатилганда учинчи кунда 91,8 % га, еттинчи кунга эса 90,3 % га тенг бўлган.

Ўргимчакканага қарши микробиологик препаратнинг таъсирини ўрганиш учун Битоксибациллин кук., Биослип БТ кук., Биослип БВ суюқ. препаратлари синовдан ўтказилган.


Микробиопрепаратлар орасида Битоксибациллин кук. 0,3 % да энг яхши биологик самарадорликни намоён қилиб, учинчи-еттинчи кунда унинг самарадорлиги 81,4-84,9 % га, ўн тўртинчи кунда 85,0 % га етган.

Биослип БВ суюқ. ва Биослип БТ кук. биопрепаратларининг биологик самарадорлиги Битоксибациллин кук. ва Фитоверм 5 % эм.к. ларга нисбатан кам бўлган.

Энг кам биологик самарадорлик Биослип БВ суюқ. нинг 0,15 % да – 56,2 %; 0,2 % да – 58,8 %, 0,25% – 61,5 % да қўлланилганда кузатилди. Маълумки, Фитоверм 5 % эм.к. ни бошқа препаратлар билан биргаликда қўллаш мумкин, шу сабабли уни микробиопрепаратлар билан бирга қўллаш бўйича тажрибалар ўтказилди (3-расм).

Фитоверм 5 % эм.к. препаратини микробиопрепаратлар билан қўллашнинг биологик самарадорлиги бу препаратларни алоҳида қўлланилганига қараганда юқори бўлган.


Ўргимчакканадан ташқари ўсимликларга шира ҳам катта зарар етказди. Ширага қарши Актара с.э.г. (250 г/кг) препарати ишлатилганда энг юқори биологик самарадорлик 0,08 % да – 86,9 %, Конфидор 20 % с.э.к. нинг 0,04 % да – 87,0 % ва Фитоверм 5 % эм.к. нинг 0,02 % да – 92,9 % ни ташкил қилган.



3-расм. Ҳимояланган ер шароитида ўргимчакканага қарши Фитоверм 5 % эм.к. билан микробиопрепаратларни биргаликда қўллашнинг биологик самарадорлиги (2019-2021)

Биослип БВ суюқ. ва Биослип БТ кук. ларнинг самарадорлиги нисбатан камроқ бўлди. Уларнинг 0,25 % да биологик самарадорлик мос равишда 83,7 % ва 83,2 % бўлганлиги қайд этилган.

Ширанинг бошқа турлари (шафтоли шираси - *Myzus persicae* Sulz. ва полиз шираси - *Aphis gossypii* Glov.) бўйича ҳам шунга яқин натижалар олинган. Ҳимояланган ер шароитида шираларга қарши микробиопрепаратлардан Битоксибациллин кук., Биослип БВ суюқ., Биослип БТ кук. ларни Фитоверм 5 % эм.к. препарати билан биргаликда қўлланилгандаги олинган биологик самарадорлик 4-расмда келтирилган.



4-расм. Ҳимояланган ердаги атиргулнинг ширасига қарши микробиологик препаратларни Фитоверм 5 % эм.к. билан биргаликда қўллашнинг биологик самарадорлиги (2019-2021)

Битоксибациллин кук. препаратини Фитоверм 5 % эм.к. биргаликда қўллаш натижалари, бу препаратларни алоҳида қўллагандан кўра юқори бўлганлиги аниқланган.

Битоксибациллин кук. ни 0,3 % ни Фитоверм 5 % эм.к. нинг 0,02 % да билан биргаликда қўлланилганда биологик самарадорлик учинчи кунда 97,6 %, еттинчи ва ўн тўртинчи кунда 98,3-98,7 % ни ташкил этди. Биослип БВ суюқ. ни 0,25 % ни Фитоверм 5 % эм.к. ни 0,02 % билан бирга ишлатилганда энг юқори самарадорлик 3-7-14 суткаларда мос равишда 87,5 % - 92,1 % - 92,7 % бўлди, Биослип БТ кук. ни 0,25 % + Фитоверм 5 % эм.к. 0,02 % қўлланилганига қараганда бу кўрсаткич юқори бўлди, лекин Битоксибациллин кук. 0,3 % + Фитоверм 5 % эм.к. 0,02 % нисбатан кам бўлганлиги қайд этилган.


Ҳимояланган ерларда ўргимчаккана ва ширалардан ташқари трипслар ҳам катта зарар етказди. Атиргулда трипслар миқдорини камайтириш бўйича нисбатан юқори самарадорлик Фитоверм 5 % эм.к. препарати қўлланилганда кузатилди. Уни 0,015 % қўлланилгандаги учинчи суткада биологик

самарадорлик – 92,7 %, 0,02 л/га да – 94,2 % бўлди. Ўн тўртинчи суткада биологик самарадорлик 0,015 % қўлланилганда – 88,0 %, 0,02 % да – 91,8 % ни ташкил этган.

Препаратлардан Конфидор 20 % с.э.к. нинг 0,04 % қўлланилганда максимал самарадорлик 82,3 %, Вертимек 1,8 эм.к. нинг 0,05 % қўлланилганда эса бу курсаткич 88,1 % га тенг бўлган.

Трипсларга қарши Битоксибациллин кук., Биослип БВ суюқ., Биослип БТ кук. микробиопрепаратлар қўлланилганда Биослип БВ суюқ. ва Биослип БТ кук. ларга нисбатан Битоксибациллин кук. нинг 0,3 %ли эритмаси қўлланилганда юқори самарадорликка эришилган.

Битоксибациллин кук. препаратини 0,3 % да, Фитоверм 5 % эм.к. 0,02 % билан бирликда қўлланилганда учинчи суткада самарадорлик 98,9 %, ўн туртинчи суткада эса 99,0 % бўлганлиги кузатилган (5-расм).



5-расм. Ҳимояланган ер шароитида атиргулнинг трипсига қарши микробиопрепаратларни Фитоверм 5 % эм.к. билан биргаликда қўллашнинг биологик самарадорлиги (2019-2021)

Микробиопрепаратлардан Биослип БВ суюқ. ни 0,25 % ва Биослип БТ кук. ни 0,25 % билан биргаликда Фитоверм 5 % эм.к. ни 0,02 % қўлланилгандаги кўрсаткич бир мунча кам бўлди. Фитоверм 5 % эм.к. препаратини микробиопрепаратлар билан бирга сўрувчи зараркунандаларга қарши ишлатилганда Битоксибациллин кук. энг яхши биологик самарадорликни намоён қилган.

Ҳимояланган ерлардаги атиргулни асосий сўрувчи зараркунандаларига қарши химоя қилиш тадбирларининг тизими 3-жадвалда берилган.

Атиргулни вегетатив массасини йиғиш даврида инсектоцидлардан Актара с.э.г. (250 г/кг), Вертимек 1,8 эм.к., Конфидор 20 % с.э.к., Фитоверм 5 % эм.к. билан шираларга (яшил атиргул шираси - *Macrosiphum rosae* L., полиз шираси - *Aphis gossypii* Glov., шафтоли шираси - *Myzus persicae* Subsp.) ишлов берилганда биологик самарадорлик 81,2 % га, оддий ўргимчакканага (*Tetranychus urticae* Koch.) ишлов берилганда биологик самарадорлик 81,0 % га, трипсга (тамаки трипси - *Thrips tabaci* Lindemann) қарши 82,0 % га тенг бўлди. Бундай кўрсаткич ишлов берилгандан сўнг 3-5 сутка ўтгач кузатилган.

Вақт ўтиши билан самарадорлик пасайиб 70-72 % га тушган ва бу даврида фитофагларнинг миқдори ошган. Бундай ҳолат генератив аъзоларни пайдо бўлиш даврига тўғри келган.


Шу сабабли бу даврда ширалар ва ўргимчакканага қарши камзаҳарли Фитоверм 5 % эм.к. нинг 0,02 % ни, трипсларга қарши эса 0,02 % ни қўллаш тавсия этилади.

Химояланган ер шароитида атиргулнинг вегетация даврида сўрувчи зараркунандаларга қарши курашда химоя чоралари тизими.

Т/р	Атиргулни вегетация даврида	Зараркунанда	Препаратлар	Ишчи эритма, %
1.	Вегетатив аъзоларини ўстириш	Ўргимчаккана	Актара с.э.г. (250 г/кг)	0,08
			Вертимек, 1,8% эм.к.	0,05
		Ширалар	Конфидор 20% с.э.к.	0,04
			Вертимек 1,8% эм.к.	0,05
		Трипслар	Вертимек 1,8% эм.к.	0,05
2.	Генератив аъзоларини пайдо бўлишини бошланиши	Ширалар ва ўргимчаккана	ФитOVERM 5% эм.к.	0,015
		Трипслар	ФитOVERM 5% эм.к.	0,02
3.	Гунчаларни пайдо бўлиши	Ширалар ва ўргимчаккана	Битоксибацилин кук. + ФитOVERM 5% эм.к.	0,3 + 0,015
		Трипслар	Битоксибацилин кук. + ФитOVERM 5% эм.к.	0,3 + 0,02
4.	Зарур бўлганда гулларни қирқиб олишдан уч кун олдин	Ширалар ва ўргимчаккана	ФитOVERM 5% эм.к.	0,015
		Трипслар	ФитOVERM 5% эм.к.	0,02

Генератив аъзоларини пайдо бўлиши билан микробиопрепаратлар (Битоксибациллин кук., Биослип БВ суюқ., Биослип БТ кук.) билан бирга ФитOVERM 5 % эм.к. препаратини ширага ва ўргимчакканага қарши Битоксибациллин кук. – 0,3 % + ФитOVERM 5 % эм.к. – 0,015 %, трипсга қарши эса Битоксибациллин кук. – 0,3 % + ФитOVERM 5 % эм.к. – 0,02 % қўллаш тавсия этилади. Препаратларни бундай ҳолатда қўллаш юқори биологик самарадорликка эришишни таъминланган ва бу кўрсаткич 99,2 % дан 99,5 % гача бўлган. Бундай химоя тадбирлар тизимини қўллаш олинадиган гул маҳсулотларини мутлоқо заҳарсиз бўлишини таъминлаганлиги учун гуллар қирқиб олингандан сўнг тўғридан-тўғри истеъмолчига етказиб берилиши мумкин. Бундан ташқари, химояланган ердаги фойдали энтомофауна тўлик сақланиб қолади.

Диссертациянинг “Химояланган ер шароитида манзарали гулларнинг асосий сўрувчи зараркунандаларига қарши қўлланилган кураш тизимининг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бешинчи бобида Вертимек 1,8 % эм.к. препаратини 0,05 % ни, бундан ташқари Битоксибациллин кук. ни 0,3 % ни билан биргаликда ФитOVERM 5 % эм.к. ни 0,015 % ни ўргимчаккана ва шираларга қарши, трипсларга қарши эса Битоксибациллин кук. ни 0,3 % ли эритмаси билан биргаликда ФитOVERM 5 % эм.к. ни 0,02 % ли, бундан ташқари Битоксибациллин кук. ни 0,3 % ли эритмаси билан биргаликда ФитOVERM 5 % эм.к. ни 0,015 % ли эритмасини



6-расм. Сўрувчи зараркунандаларга қарши тавсия қилинаётган кураш тизимини биологик самарадорлиги (2019-2021)

ўргимчаккана ва шираларга қарши, трипсларга қарши эса Битоксибациллин 0,3 % ли эритмаси билан биргаликда Фитоверм 5 % эм.к. ни 0,02 % ли эритмасини қўлланилгандаги олинган иқтисодий самарадорликни ҳисоб-китобига тегишли маълумотлар келтирилган. Бунда 1 га дан 1365 донадан 2174 донагача қўшимча атиргул ҳосили олинган. 1 га дан 4675,0 сўмдан 8400,0 сўмгача соф даромад олинган, сарфланган 1 сўмнинг оқланиши 1,8-3,4 баробар бўлди.

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилояти шароитида ҳимояланган ер хўжаликларида асосий манзарали гуллар: атиргул, ремонтант чиннигул, гербер, лилия, хризантема, лола ҳисобланади. Шуларни ичидан атиргул ўсимлиги 80-85% ни ташкил қилади. Ҳимояланган ерлардаги манзарали гулларни зараркунанда фитофаглариининг тур таркиби аниқланган ва у 14 та турдан иборат эканлиги аниқланган.

2. Манзарали гулларнинг кўпчилик зараркунандалари полифаглар: оддий ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.), тамаки трипси (*Thrips tabaci* Lindemann), иссиққони оққаноти (*Trialeurodes vaporariorum* Westw.), полиз шираси (*Aphis gossypii* Glov.), шафтоли шираси (*Myzus persicae* Sulz.) ва дуккак шираси (*Aphis fabae* Scop.) ҳисобланади. Фақат маълум бир манзарали гулларда учраган зараркунандаларнинг турлари: атиргулда – яшил атиргул шираси (*Macrosiphum rosae* L.), хризантемада – хризантема шираси (*Macrosiphoniella sanborni* Gill.) ҳам аниқланган.

3. Монокультурада етиштирилган атиргулнинг зараркунандаларини тур таркиби олти турдан, бошқа экинлар билан аралаш етиштирилганда эса ўн иккита турдан иборат эканлиги аниқланиб, бунда энг кўп зарар келтирадиганлари ўргимчаккана, шира ва трипслар эканлиги қайд қилинган.

4. Сўрувчи зараркунандаларга қарши қўлланилган Конфидор 20 % с.э.к., Вертимек 18 % эм.к., Актара с.э.г. (250 г/кг), Фитоверм 5 % эм.к. препаратлари орасида энг яхши курсатгични Фитоверм 5 % эм.к. ни 0,015 % ли, ўргимчаккана ва шираларга қарши, 0,02 % ли эритмаси эса трипсга қарши қўлланилганда яхши натижаларни намоён қилган.

5. Ҳимояланган ерлардаги атиргулга микробиопрепаратлардан Битоксибациллин кук., Биослип БВ сууқ. ва Биослип БТ кук. қўлланилганда Битоксибациллин кук. энг самарали кўрсаткични намоён қилган. Битоксибациллин кук. ни 0,3 % қўлланилганда биологик самарадорлик ўргимчакканага қарши қўлланилганда 85,0 %, шираларга қарши 85,1-86,4 % ва трипсларга қарши 89,0 % ни ташкил қилган.

6. Атиргулнинг сўрувчи зараркундаларига қарши Битоксибациллин кук. ни Фитоверм 5 % эм.к. билан биргаликда қўллаш максимал даражадаги самарадорликни намоён қилган. Битоксибациллин кук. ни 0,3 % + Фитоверм 5 % эм.к. ни 0,015 % қўлланилганда ўргимчакканага қарши 98,6 %, шираларга қарши 98,7 %, Битоксибациллин кук. 0,3 % + Фитоверм 5 % эм.к. ни 0,012 % ни трипсларга қарши қўлланилганда эса самарадорлик 99,0 % га тенг бўлган.

7. Ҳимояланган ер шароитида гулли экинларининг сўрувчи зараркундаларига қарши кураш бўйича ишлаб чиқилган тизимнинг самарадорлиги аниқланди, бунда ўсимликлар вегетатив масса тўплаш даврида заракундаларга қарши кимёвий препаратлари билан ишлов берилади, генератив органлар шаклланиш даврида биологик препаратлари билан ишлов берилади, ўсимликларнинг оммавий куртаклари шакиланган даврида эса зараркундаларга қарши кимёвий ва микробиологик препаратлар комплекс қўлланилади.

8. Манзарали гулларнинг сўрувчи зараркундаларига қарши экологик хавфсиз Ҳимоя тадбирлари тизимини қўллаш товар кўринишидаги гуллар чиқишини кўпайтиради, сифат кўрсаткичини яхшиланиши ҳисобига таннархини пасайтиради, ялпи маҳсулотнинг нархини 3,5 баробар оширади. Иқтисодий самарадорлик ва рентабеллик юқори бўлганлигини аниқланган.

9. Ҳимояланган ерларда Ҳимоялаш тадбирлари самарадорлигини ошириш ва зараркундаларнинг пестицидларга чидамлигини пасайтириш учун ўсимликнинг вегетация даврида ва фитофагларни кўпайиши вақтида ўсимликларни ишлов беришни қуйидаги тизимда кетма-кет тартибда ишлов бериш:

вегетатив аъзоларини ҳосил бўлиш даврида (новдаларни ўсиб чиқиши, барглари шаклланиши) зараркундаларнинг (1,5-2 балли зарарланиш) миқдорини камайтириш мақсадида препаратлар Актара 0,08 %, Вертимек 0,05 % ёки Конфидор 0,04 % меъёрда;

генератив аъзоларининг тугунчалари шаклланиш даврида Фитоверм 5 % эм.к. ни ўргимчаккана ва шираларга қарши 0,015 %, трипсга қарши эса 0,02 % меъёрда;

ғунчалар шаклланиш даврида препаратлар билан комплекс ишлов бериш: ўргимчаккана ва шираларга қарши Битоксибациллин кук. ни 0,3 % + Фитоверм 5 % эм.к. 0,015 %, трипсга қарши Битоксибациллин кук. 0,3 % + Фитоверм 5 % эм.к. 0,02 % қўллаш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ
СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МУМИНОВ РУСТАМ АМАНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНЫХ МЕТОДОВ ЗАЩИТЫ ОСНОВНЫХ
ЦВЕТОЧНЫХ КУЛЬТУР ОТ СОСУЩИХ ВРЕДИТЕЛЕЙ В
УСЛОВИЯХ ЗАЩИЩЁННОГО ГРУНТА**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2023.2.PhD/Qx1130.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.psuayiti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZioNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Хасанов Саидинаби Саидивалиевич**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ходжаев Шамиль Турсунович,**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор.

Мисирова Сураё Абдумуталовна,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация: **Научно-исследовательский институт лесного хозяйства.**

Защита диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам состоится « ____ » _____ 2024 года в ____ часов на заседании разового Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзНИИХ, Тел.: (99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37, e-mail: rahtauz@mail.ru

С диссертацией доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за номером _____). (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзНИИХ. Тел.: (99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан “ ____ ” _____ 2024 года.
(реестр протокола рассылки номер _____ от “ ____ ” ____ года).

Ш.Н.Нурматов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор сельскохозяйственных
наук, профессор

Ф.М. Хасанова,
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
кандидат сельскохозяйственных
наук, профессор

Д.А. Тунгушова,
Заместитель председателя научного
семинара при научном совете по
присуждению учёных степеней,
доктор сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. Повышение потребности населения к цветам, являющийся выражением прекрасного, во многих странах мира является основой максимального развития цветоводства в качестве высокоприбыльной и рентабельной отрасли сельского хозяйства. Среди стран, в которых развито цветоводство – Эквадор, Коста-Рика, США, Колумбия, Израиль, Италия, Испания, Мексика, Гватемала, Нидерланды, Германия. Выращенные в этих странах цветы поставляются в более 100 стран мира. Так, например, в королевстве Нидерландов для выращивания цветочных культур используется всего 1,5 % пахотной земли, где в 2700 фермерских хозяйствах производят продукцию более чем на 20 млрд. долларов, что превышает 50 % совокупной мировой торговли продукции цветоводства, а цветы поставляются почти в 60 стран мира. В некоторых странах таких как Эквадор, Коста-Рика, Израиль цветоводство является одной из основных отраслей сельского хозяйства, которые получают доход от продаж цветов от 1,1 – 4,2 млрд. долларов в год¹. Выращивание цветов и увеличение их ассортимента, создание уникальных сортов создает основу для получения большей прибыли в этой сфере.

Увеличение спроса у населения на цветочную продукцию из года в год повышается, интерес к выращиванию цветочно-декоративных растений возрастает. Промышленное цветоводство ведется в сооружениях защищенного грунта, в которых создаются оптимальные условия не только для растений, но и для массового развития вредителей. В настоящее время в ведущих странах мира проводятся широкомасштабные научно-исследовательские работы, направленные на защиту основных цветочных культур от сосущих вредителей в условиях защищённого грунта, выявление их болезней и разработку эффективных методов борьбы против них. Несмотря на это, до сих пор нет четкого представления об истинном положении дел в цветочной отрасли, не изучены вопросы формирования ассортимента выращиваемой продукции, не установлен видовой состав фитофагов на цветочных культурах, полностью отсутствуют сведения о взаимоотношении доминантных видов в зависимости от биологических особенностей растения-хозяина и их вредоносности, не разработаны меры химической защиты с учетом специфики культур и фенологии развития фитофагов. Поэтому изучение комплекса вредителей основных цветочно-декоративных растений защищенного грунта, оценка их фенологии развития, биологических особенностей и вредоносности, определение эффективности перспективных средств защиты растений, а также разработка системы защитных мероприятий является актуальной проблемой на сегодняшний день.

В целях развития цветоводства и питомничества в регионах Республики², выращивание отечественных и зарубежных сортов цветов, популяризации

¹ <https://www.tadviser.ru/index.php/>

² Постановление Президента РУз от 4 августа 2021 года «О дальнейшем развитии отраслей цветоводства и питомничества в регионах республики»

